

Тарихда ёзилишича ва биз шу кунга қадар ишониб келган маълумотларга кўра, Россиянинг энг сўнгги подшоси Николай II ва ўша даврнинг сарой маликалари бўлмиш буюк княгинялар - шонинг хотини ва кизлари 1918 йилнинг июлида болшевиклар ҳукумати томонидан отиб ташланган эди. Аммо буни қарангки, буларнинг барчаси уйдирмага ўхшаб қолди.

Маълум бўлишича, Россиянинг сўнгги ҳукмдори яқин йилларга қадар ҳам Серпухово яқинидаги 17-ўта махфий объектда яшаб келган. Бундан ташқари, ҳукмдорнинг кизи, улуғ княгиня Олганинг ўлиmidан сўнг дафн этилиш сирини эса Ватикан узок йиллар махфий сақлаган.

Гап шундаки, Дания Кириллигидаги Петропавловск ибодатхонасидан Александр учинчининг хотини, яъни Николай II нинг онаси бўлмиш императритса Мария Фёдоровнанинг хоки кўчирилиб, қайта дафн этилади. Бу норасмий маросим 1998 йилда ўтказилиб, айнан Николай II ва унинг оила аъзоларининг қайта дафн этилиш вақтига тўғри келади. Лекин шунга қарамай, ҳамон кўп нарсалар мавҳумлигича қолиб қолмоқда. Уларнинг энг муҳими эса қуйидагича : ҳақиқатан ҳам сўнгги рус подшоси илгариги салафдошлари билан айнан шу улуғ ибодатхонага дафн этилганмиди? Матбуотда бу мавзу жуда кўплаб бир-бирига зид бўлган маълумотлар берилгани, илмий тадқиқотлар ўтказилганига қарамай, ҳамон бир ҳулосага келинганича йўқ.

Аммо бу воқеаларга доир «Мир новостей» газетасига парижлик фоторепортёр, 70-йилларда СССРдан муҳожир бўлиб кетган Владимир Сичевнинг берган интервьюсидаги тахмин ва гумонлар шундан далolat берадики, буюк княгинялардан бири Олга Николаевна 1976 йилга қадар Ватикан раҳнамолигида яшаб келган. Бу эса Колчак топширигига кўра подшо оиласининг аъзоларини битта қолдирмай қириб ташлаш тўғрисидаги буйругининг бажарилиши натижалари тўғрисида янги тахминларни юзага келтиради.

- 1970 йилнинг охирида мен тақдир тақозоси билан Россиядан Ғарбга кетиб қолдим. Айни пайтда Парижда истикомат қиламан. СИПА агентлигида фаолият кўрсатмоқдаман, - деб ўзини таништирган Владимир Сичев қуйидагиларни хикоя қилиб берди:

- 1983 йилнинг ноябрида мен Венетсияга хизмат сафари билан боргандим. Бу ерда йирик давлатларнинг бошликлари учрашиши керак эди. Ушбу саммитда бир италян журналисти билан танишиб қолдим. Менинг ўзига ҳамқасаба эканлигим ва айниқса руслигимни билгач, у қўлимга бир газета тутқазди. Унда Николай II нинг отиб ўлдирилишдан қандай қилаб қолганини тўғрисида мақола чоп этилганди. Мазкур мақолада Швейтсариянинг хусусий клиникаларидан бирида бутун католик дунёсининг диний хамшираси Паскалинанинг вафот этгани, бу роҳиба Пия XII (1939-1958й.) папалиги даврида муҳим бир вазифада ишлагани ва энг асосий қарорларни қабул

килишда папага кучли таъсир кўрсата олиши билан машхур бўлган. Католик мазхабининг маркази бўлмиш бу юртда уни «Ватиканнинг темир хоними» деб аташарди. Шундай килиб, Паскалина она ўлимидан олдин ёнига адвокат ва гувоҳларни чакиртириб, ўзининг умри давомида шохиди бўлган бир сирни кабрига олиб кетишни истамаслигини билдирган. У Италия шимолида жойлашган Маркотти кишлоғи якинида дафн килинган номаълум аёлнинг майити аслида рус подшоси Николайнинг кизи Олганики эканлиги ва у асло 1918 йилнинг 16 чидан 17 июлига ўтар кечаси болшевиклар томонидан отиб ўлдирилмагани тўғрисида гапириб бергани тўғрисида сўз борарди. Шунда В.Сичев италян журналистидан у билан бирга ўша кишлокка бирга боришни, бу кабрнинг мавжудлигини ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилиши кераклигини сўраб, туриб олади. Тўрт соатлик йўлдан кейин улар кишлокка етиб келишади. Махаллий гўрков уларни ҳеч қандай иккиланишсиз бир кабрга бошлаб боради. Дарҳақиқат, кабртошда «Олга Николаевна, рус подшоси Николай II Романовнинг катта кизи, (1895-1976 йиллар)» деган битик бор эди. Кабртошда мархуманинг фамилияси қайд этилмаган бўлиб, бу унинг шунча вақт бошқа ном остида яшаганидан далолат берарди.

- Бунинг бари мен учун нихоятда қутилмаган янгилик эди, - ҳикоясида давом этади Владимир Сичев, - ва шу сабаб ҳамон ҳаяжонимни босолмай, таржимон ёрдамида кабристон қоровулидан бу аёл кишлоқда қачондан бери яшай бошлаганини сурадим.

- У бу ерга 1948 йилда, урушдан кейин қўчиб келганди, - деди ишонч билан қоровул.

- Бу ерда яшаб юрган вақтида у ўзи тўғрисида бирор бир маълумотлар берганмиди?

- Албатта, Олга қелиши билан бу ердагиларга ўзининг сўнгги рус шохининг кизи эканлигини айтганди.

- Унинг бу гаплари матбуотга ҳам чиқармиди?

- Ҳа, чиқарди.

- Бу қутилмаган арзга бошқа Романовларнинг муносабати қандай бўлди?

- Улар аёлни судга беришди.

- Ва ҳар сафар суд жараёнида ютказармиди?

- Ҳа, шундай.

- Унда, - деб овоз чиқариб мулоҳаза юрита бошладим мен, - бу аёл голиб келган тарафнинг адвокатларининг ҳаражатларини тўлаши керак эди-ку. Бунга у пулни қаердан оларди? У бирор жойда ишлармиди?

- Йўқ, у ҳеч қаерда ишламасди.

бўлмаган сабабларга кўра» вафот этганди. Бу инсоннинг кўримсизгина кабрига дўстлари томонидан ўрнатилган лавҳа эса куйидаги сўзлар зикр этилган: «Сенинг Хакикатинг- Абадий Хакикат». Россияда бу китоб 1990 йилдагина «Советский писател» нашриёти томонидан чоп этилади.

Бундан ташқари, шуни таъкидлашим мумкинки, айнан ўша даврга келиб, Париждаги рус антиквар магазинларида Соколов тадқиқотларининг бирининг нусхасини сотиб олишни таклиф қилишди. Мазкур нусха қадимги машинкада терилган бўлиб, шохнинг ўлдирилган оила аъзоларининг суратлари, Коптягада ёндириб юборилган бу мурдаларни излаш схемалари, Соколов дастхатлари ва ўша пайтда бор-йўғи бир нечагина нусхада бўлган ашёлардан иборат эди. Магазин хўжайини мазкур бебаҳо хужжатлар учун беш минг доллар сўради. Афсуски, ўша пайтда Парижда мен бу миқдордаги пулни топишнинг иложини қилолмадим. Бундай ноёб хужжатларнинг ўз баҳосига нисбатан бу қадар арзон бўлишининг сабаби шунда эдики, ашёвий хужжатлар тўплами ичида битта боб етишмасди.

- Шундай қилиб, ҳар иккала изкуварнинг хулосалари, - давом этади Сичев, - фавқулодда қутилмаган бир нарсани, яъни ҳеч қандай қатли ом бўлмаганини тасдиқлайди. Бундан ташқари, шу пайтгача ўлдирилганларнинг танаси топилмаган, демак мурдалар юк-ки, қатл ҳам бўлмаган. Бундан қилиб чиқадики, бутун бошли подшоҳ оиласи изсиз гойиб бўлганми?

Расмий тахминларнинг мантикка тўғри келмаслиги сабаби - оқлар Екатеринбургга саккизинчи қуни қириб келгани маълум бўлади. Император поёзди ваҳима ва кўрқув билан бу ердан қиқиб кетади. Ўлдирилганларнинг жасадлари юк машинасидаги иккита солдатга топширилади. Ўлкашунослик музейидаги маълумотларга кўра, бу ҳайдовчиларнинг машина бақида жами 78 литр бензин борлиги маълум бўлади. Бу ёнилғи миқдори шу қадар кўпки, ҳас-хашаклар билан ёпилган мурданинг устига бир қарра учқун беришнинг ўзи бутун таналарнинг қулини қунпаяқун қилиши турган гап. Бундан ташқари, мурдаларни дафн этиш - бу уларни ўлдирганларнинг иши эмасми, буларга тақдирнинг ҳукмида номаълум қолдирилган иккита ҳудобеҳабар аскарнинг нима алоқаси бор?

Шундай қилиб, Николай IIни 1998 йилда Романовлар билан эмас, унинг ёнидаги қардошлиқ қабристонига қайта дафн этдилар. Мазкур тантанада «Романовлар - императорлар оиласи» деган иборалар жарангламади. Бунда фақат улуг азобга қириқтор бўлганлар, айбсиз қатл этилганлар ҳақидагина сўз борди.

Яқинда эса Николай ва унинг қавм-қариндошларининг майитидан қолган суяқларни экспертиза қилиш ишларида иштирок этган японияликлар бизнинг ўтказган текширувларимиз ҳатолиги, Петропавловскда дафн этилган суяқлар бошқа бировларники эканлигини таъкидлашди. Бунга қўшимча қилиб яна шуни айтиш мумкинки, дафн этилганлар орасида Анастасия ва Алексейнинг суяқлари йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, шох оиласининг ёппасига отиб ўлдирилгани тўғрисидаги тахмин ҳеч қандай мантикка тўғри келмайди. Мутахассислар таъкидлашмоқдаки, бундай отишмадан омон қолиш умуман мумкин эмас.

Бундан келиб чиқадики, ёхуд Ипатевский ертўласида ўтказилган катлда бу бахтикарларнинг ҳаммаси битта колмай кириб битирилган ёхуд умуман бу катл содир этилмаган .

Сичев бу воқеаларни гапириб беришни якунлаганда, махфий 17-объектдан тортиб, Коншин реквизицларигача унинг компютерида шу мавзуда бирор бир маълумот топилмасмикин, деб кизиқиб қолади. Буни қарангки, уч минутга қолар-қолмас, компютердан шундай жавоб олинади: Ҳа, Сталин икки бор Кремлни тарқ этиб, зиёратга чиққан. Биринчи бор - чет эл ёзувчиси, яъни Жон Риднинг дачасига, иккинчи бор эса Оржоникидзеинг дачасига.

- Менимча эса, - дея шубҳаланишда давом этади Сичев, - Сталиннинг Москвадан аллақандай чет эллик ёзувчини зиёрат қилиш учун бориши ёхуд Оржоникидзеиникига меҳмондорчиликка киришига ишониш қийин. Ва шундан келиб чиқадики, агар шонинг катта кизи Олга 1976 йилда вафот этганини ҳисобга оладиган бўлсак, демак Россиянинг сўнги подшоҳи 30-йиллар охирида вафот этган ва Россиянинг гарбий ҳудудларининг бирлаштирилиши рус императорининг ўзи билан бамаслаҳат ҳолда амалга оширилган бўлиши ҳам мумкиндир. Бошқача қилиб айтганда, мазкур қайта очилган далиллар қандайдир ақл бовар қилмас маънога эга. Ҳўш, Николай II аслида ким? Ким ўзи бу темир никобли одам?

Ҳамқасабаси билан бўлган янги учрашувида Париж репортёри унга Сталиннинг Коншинога қилган таширфлари тўғрисида гапириб беради. Бунга жавобан у хаяжон билан қуйидагиларни ҳикоя қилади: «1983 йилда биз хотиним билан худди ана шу именияга таширф буюргандик. Мен худди банклардаги каби пўлат деворлару бураб очиладиган тутқичли эшикларни ҳали -ҳали эслаيمان. Назарий нуқтаи назардан ҳам, амалий жихатдан ҳам бу ерда шу нарса қўринардик, бундай темир бетон девор ортида исталган одам қўриқланиши мумкин эди. Дарвоқе, ҳозир, бир дақиқа, шошмай туринг, мен хотинимга бирров қўнғирок қилиб боқайчи», деди у ва телефон рақамларини терди. У ёқдан гўшак олинган, сўради: «Ирина, эсингдими, биз 1983 йилда Коншинларнинг имениясига боргандик.У ерда ҳаммасидан ҳам қўра нималар сени лол қолдирганди?» Ва гўшакни менга узатади. Гўшакдан аёл кишининг «У ерда мени ҳаммасидан ҳам қўра қўпроқ хайратга солган нарса бу - Коншинлар қабрининг очиқ ташлангани бўлганди» дегани эшитилди.

- Галати, шундай эмасми? - сўрайди мендан Сичев.

- Бунинг нимаси ажабланарли. Шунчаки гўрқовлар иши ёки бирор ҳазина қидирувчининг ўзбошимчалигидир-да.

- Хечам бундай эмас! Аниқ тахмин шундан иборатки, 17-махфий объектнинг қабристонини, боз устига Сталиннинг бу ерга икки бор сирли тарзда қилиб кетганини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, бу жой полковник Романовнинг ҳоқини сақлаган, яъни унинг қимнингдир нимадандир ниҳоятда ҳавотирланишига сабаб бўлган суяқларини! Ва афсуски бу ҳавотир ҳали ҳамон йўқолмаган қўринади.

Дилфуза таржимаси